

**2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган  
чора-тадбирлар ижроси тўғрисида**

**ТАҲЛИЛИЙ-МАЪЛУМОТ**

*2022 йил 30 ноябрь ҳолатига*

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	Амалга оширилган ишлар, тайёрланган лойиҳалар <i>(кимга қачон киритилганлиги, хат рақами ва санаси)</i>
1.	<p>“Дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети”ни бериш тизимини ишга туширишни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> <p align="center"><i>(Фармоннинг 16.3-банди)</i></p>	2022 йил апрель	<p><b>Ички ишлар вазирлиги</b> <i>(П.Бобожонов),</i> Молия вазирлиги <i>(Т.Ишметов),</i> Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги <i>(Н.Хусанов)</i></p>	<p><b>Бажарилган.</b> Фармоннинг 16.3-банди ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларнинг ижтимоий мослашувига қўмаклашиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” <b>2022 йил 29 июндаги ПҚ-299-сон</b> қарори қабул қилинди.</p>
2.	<p>Ривожланган мамлакатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш орқали йўлларда авария ва ўлим ҳолатларини қисқартириш бўйича дастур лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> <p>Бунда, йўл инфратузилмасини халқаро стандартларга мослаштириш, ҳаракатни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш, йўлларда хавфсиз ҳаракатланиш учун барча иштирокчиларга муносиб шароитларни яратиш ва жамоатчиликнинг ушбу соҳадаги ишларда кенг иштирокини таъминлашга ҳамда "Очиқ бюджет" ахборот портали орқали йўналтириладиган маблағлардан айнан мазкур йўналишда самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш.</p> <p align="center"><i>(Фармоннинг 17-банди)</i></p>	2022 йил апрель	<p><b>Ички ишлар вазирлиги</b> <i>(П.Бобожонов),</i> Транспорт вазирлиги <i>(И.Махкамов),</i> Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>	<p><b>Бажарилган.</b> Мазкур банд ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йиллар давомида амалга оширилиши мўлжалланган “Хавфсиз ва равон йўл” умуммиллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида” <b>2022 йил 12 июлдаги ПҚ-316-сон</b> қарори қабул қилинди.</p> <p>Шунингдек, мазкур банд ижросини таъминлаш мақсадида Ички ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракатини ташкил этиш тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, <b>2022 йил 31 январда 1/184-сон хат</b> билан <b>Вазирлар Маҳкамасига</b> киритилган (<b>52306</b>).</p> <p>Ҳозирда мазкур қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилмоқда.</p> <p>Шу билан бирга, мазкур банднинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайитириш чора-тадбирлари тўғрисида” <b>2022 йил 4 апрелдаги ПҚ-190-сон</b> қарори қабул қилинди.</p>